

## Савдо-саноат палатасидаги ўрганиш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида ўтказилган ўрганишди 2022 йилда Президент ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришда ижро интизомига риоя этилмаганлиги, аъзолик бадаллари ҳисоби юритилмаганлиги, давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар мақсадсиз сарфланганлиги каби ҳолатлар аниқланди.

*Мисол учун, мақсадли маблағлардан офис мебели хариди учун **334,2 млн сўм**, Палата масъул ходимларининг хорижга бориш авиа билетлар хариди учун 57,6 млн сўм сарфланган.*

Бундан ташқари, Президент ҳужжатларида белгиланган **1 377 та** топшириқларнинг 2022 йилдаги **39 тасининг** ижроси ўрганилганда, уларнинг **9 таси** ижроси таъминланмаган.

*Мисол учун, Давлат Раҳбарининг 2022 йилда Қашқадарё вилоятига ташрифидаги (35-сон баён, 101.2-банд) 2022-2025 йилларда ўтказиладиган маҳаллий ва хорижий кўرғазмалар режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи тўлиқ бажарилмасдан, тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар таклифлари умумлаштирилмаган ҳамда **фақатгина 2022 йил учун мўлжалланган режа-жадвал киритилган.***

Текширишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 30 ва 32-моддаларига асосан марказга тегишли кўрсатмалар берилди.